


ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 61 (65937)
1996 йил, 24 август, шанбаСотувда эркин
нарихда

ОМОН БЎЛ, ЖАҲОН-ЛА ЮЗЛАШГАН ВАТАН!

Болалар, байрам нафасини, юртимизнинг муборак 5 йиллик туй тантаналарини сезаяпсизми? Бу шодиёна қанчалик ҳаяжонли ва ёдда қоладиган бўлиб ўтишини, қалбларимиз тасаввур қилиб бўлмас қувончларга тўлишини-чи? Ҳа, озод, мустақил, тенглар ичра тенг Ватанимизнинг 5 йиллик туйини нишонлашимизга санокли кунлар қолди. Халқимиз уз ўрнига, уз эркига эга бўлиб, қафасдан чиққан қушдек озод бўлганига 5 баҳору, 5 ёз,

қиш бўлибди. Буйилларда бизни бутун дунё таниб, тан олди. Мустақиллик бизга ўз ихтиёримиз билан яшаш, ўз билганимизча иш юритиш, чинакам хур, фаровон ҳаёт кечирishга улкан йўллар очди. Пешона тери билан топган барча ер ости ва ер усти бойликларига узимиз эгалик қилмоқдамиз. Маданий ва тарихий обидаларимизни қайта тикладик, тикляяпмиз ҳам. Турмушимизда ҳам, онгимизда ҳам ажиб янги-ланиш, покланиш. Тенгдошларингиз билимусанъат ёки спортда бўл-

син, ўз иқтидорларини куз-кузлаб, жаҳон кезиб юрибдилар.

Мустақиллигимиз берган эркинликлар улкан масъулиятни ҳам талаб қилади, зиммамизга катта бурчлар юклайди. Хурликнинг кадр-қимматига етмоғимизга чорлайди.

Азиз юртдошим! Сиз-у биз тинч, осойишта, соғлом халқ фарзандларимиз. Ижод қилишда, турли янгиликлар яратишда эркимиз уз қўлимизда. Ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди-ган, аксинча, қўллаб қувватлаб паноҳига олгувчи озод Ватан дилбандлари-

миз. Зеро, шундай экан, бу гузал кунларимизнинг, оромли тунларимизнинг қадрига етайлик! Меҳр-оқибат туйғулари дилимизда жо бўлсин! Элу-юртимизни корига ярайдиган юрт ўғил-қизлари бўлиб камол топайлик!

Байрам нафасини сезаётганлар, байрамона кайфият сизни тарк этмай туриб, тилагимни айтай: жаҳонга юзлашган Ватанга муносиб фарзанд бўлинг.

Нилуфар ДАВИДОВА

ШАҲДАМ БОРАЁТИР...

Минг йиллар ўртаган
жароҳат битиб,
Юксак чўққилардан шаҳд
билан ўтиб,
Улуғ мақсадларни дилга жо
этиб,
Шаҳдам бораётир, мустақил
карвон!

Ваъдалари қатъий, қайтмас
ортига,
Сарбон таянч эрур халқнинг
қаддига.
Қўрқмай қамчин уриб саман
отиға,
Шаҳдам бораётир, мустақил
карвон!

Бошида нур тўкар сахий
қўёши,
Пурҳикмат сиймолар йўлда
йўлдоши,
Дунё уммонида чайқалиб,
тошиб,
Шаҳдам бораётир, мустақил
карвон!

Чўлпон орзусини кафтига
олиб,
Қақроқ саҳролардан янги йўл
солиб,
Турон заминиди ўқтам ва
ғолиб,
Шаҳдам бораётир, мустақил
карвон!

ЎЗБЕКИСТОН — ЮРТИМСАН МЕНИНГ

Ўзбекистон — юртимсан
менинг
Зар тупроғинг кўзга тўтиё.
Кучоғингда топдим мен
камол
Сенга назар солган авлиё.

Юрагимда бу кун гурур бор,
Баланд тутдинг эзилган
қаддинг.
Бутун дунё нигоҳи билан,
Шуълаларга тўлмоқда
бағринг,

Жуда олис манзилни кўзлаб
Йўлга чиқди бир буюк
карвон.
Гар бирлашса, туркийзабон
халқ
Самога ҳам қўйгувси нарвон.

Истиқлолнинг муборак
бўлсин!
Порлайверсин бошингда
қўёш.
Чўққиларни забт этишингда,
Темур бобом руҳлари йўлдош.

Шухрат ТЎПАЕВ
Фаргона вилояти,
Учкўприк туманидаги
20-мактабнинг
10-синф ўқувчиси

ХУРЛИК ҚАНОТИДА УЧГАН ҚЎШИҚЛАР

Ватан ҳақидаги қушиқларимиз жуда ҳам куп. Самимий туйғулар улмас бўлади, кучли бўлади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Ватан ҳақида унга бўлган меҳр ҳақида рост куйлаган шоир ёки қушиқчини халқ дарров топиб олади. Зеро, юракнинг ичида Ватаннинг меҳри бор.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 декабридаги «Ўзбекистон Рес-

публикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним меним» мавзудаги қушиқлар курик-танловини утказиш, туррисида»ги қароридан кейин ту-

манлар, вилоятлар, қуйингки республикамизда Ватан, озодлик, келажак ҳақидаги жуда куп қушиқлар яратилди. Қушиқ яралиши баробарида қанча-

дан-қанча истеъдодлар халқнинг назарига тушди.

Қ а д и м д а қайсики халқда қушиқнинг авжи баланд бўлса, уша халқнинг қалби тоза, келажаги бутун бўлади дейишган экан. Биз бутун танлов шартларига асосан иштирок этаётган қушиқчиларнинг самимий, беғубор чиқишларидан кунгимиз тулқинланиб, ке-

лажакнинг порлоқлигидан сурурланамиз.

24-26 август кунлари пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида курик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Бу сўнгги босқичда узининг истеъдоди билан аллақачон юракларни маҳв этган барча қушиқчиларга омад тилаймиз! Хурлик қанотида учаётган қушиқларнинг парвози баланд бўлсин!





Бизга ёздилар

Дарахтларнинг барги гуё сени аллалаётгандай. Майин шитирлаб, оромбахш тоғ ҳавоси гупириб турса, кадрдон тепаликда ўсиб ётган қалин пичанларда ағанаб ётсанг, ёзнинг жазирама иссиғи ҳам сенга роҳат бағишлайди.

НАРПАЙ БЎЙИДА УЧ КУН

Тепаликдан гоҳо мусаффо кук гумбазнинг товланишига, гоҳо ястаниб ётган текислик, жимираб оқаётган сой мавжларига термулсанг аллақандай сеҳрли бир кучдан ҳайратингни яширолмай ҳайқириб юборасан. Шу пайт гур этиб кутарилган кулгудан қизариб кетасан. Атрофингни ураб олган уртоқларинг сенга эътибор бермайди. Йўқ, улар сени устингдан кулишмаяпти. Хув уша тепаликка келиб утирганиндаёқ бошланган латифабозликни давом этказишмаяпти. Сен ширин ҳаёлларинг оғушида бир зумгина улардан ажралиб қолдинг, холос...

Нарпай туманида яшовчи ушбу болакайлар бу йилги қувноқ ёз кунларининг

уч кечаю кундузини Нарпай канали ёқасидаги тепаликнинг дарахтлар билан қопланган қисмида утказишга келишиб олишди. Бир мустақил яшаб кураликчи, дейишди улар.

— Худди армиядагидек. Эрталаб вақтли турасан, бадантарбия, дарахтларни оралаб югуриш, Нарпайнинг муздек сувида чўмилиш роса маза. Қалин пичан устида курашишни айтмайсизми. Ўзинг овқат пи-

курсатаверасан, — деб гапга аралашади болалардан бири. — Мана мен қушиқ айтаман. Товушингни хоҳлаганинча баралла қуйишинг мумкин, ҳеч кимга ҳалақат бермайсан. Ахир табиатнинг бағри кенг дейишган-ку».

Ҳа, менинг ҳам кечалари гулхан атрофини айланиб, кундуз эса табиатла бойланиб, Нарпай сувида чўмилиб, шу уч кунни хушчақчақ утказмоққа шайланган болакайларга ҳавасим келиб улар билан қолгим, биргалашиб уйнагим келди.

Кахрамон
ЭШМУРОВОДОВ.


ЎРГАНГАНИМ ЎЗИМГА...

Уйимиз шаҳарда жойлашган бўлса ҳам ҳовлимизда турли мевалар: шафтоли, ўрик, шотут, олхури, сабзавотлардан: булғор қалампири, бодринг, бақлажон, помидорлар гарқ пишиб ётибди. Таътил кунлари булгани учун ойимларга қарашиб турибман. Шу кунларда улар қиш тараддудига тушганлар. Мевалардан компот, мураббололар пишираёттилар. Ерга тукилиб, эзилганларини синглим иккаламиз тозалаб қоқи қилиб қўйдик.

Бир кун ойим ишга кетган кунлари уз ҳолимча биринчи марта шафтолидан компот тайёрладим. Шафтолиларни яхшилаб ювиб, саралаб, тозалаб, буглатилган банкаларга териб, устидан қайнаб турган ширани қўйдим. Сунг иссиқ жойга ураб қўйдим. Банкалардаги шафтолилар шунақаям чиройли куришиб кетдики, ўзимниям ҳавасим келди. Ойимлар келиб жуда хурсанд бўлдилар. «Қизим Гавҳарой, ўрганганинг узингга, тайёрлаганинг эса бизга фойда. Аста-секин энди бошқа нарсаларни тайёрлашни ўргансанг ҳам булар экан», — дедилар. Эндиги ниятим, томорқамиздаги помидор, бақлажондан ҳам салат қилиш. Қишда дастурхонимиз янада тукин бўлади-да.

Дугоналарим уй юмушлари билан бандлигимни куриб ҳаваси келганлари ҳам бўлди, баъзилари бўлса: "Сенга нима, таътилни дам олгани чиқарган, маза қилиб юрмайсанми", дея «ақл» ургатганлари ҳам бўлди, албатта. Менимча, меҳнат қилиб, яқин одамларингни хурсанд қилиш ҳам яхши дам олишга кирса керак.

Гавҳарой ОРИФХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳри.



«ГУЛДАСТА»ГА БОРАМАН...

— Вой манови қизчани, мунча ақлли, одобли экан, қара, укачасини бир яхши овунтириб ўтирибди-я. Қайси мактабда ўқийсан, қизалоқ?

— «Гулдаста» боғча-гимназиясига бораман, — бурро жавоб қайтарди, кичкинтой болани етаклаб олган қизча.

— Ўқишни, ёзишни ҳам биларсан?

— Ҳа. Бу йил биринчи синфга қабул қилишди. Каромат опамлар боғча-мизнинг ўзида ўқитадилар. Яна ҳунар ҳам ўрганамиз, спортга қатнашамиз.

— Кўряпсанми, Наргиза, дугонанг сен билан тенг экан, энди унга ўхшаб ақлли қиз бўласан-а, — деди савол-жавоб қилаётган аёл ёнидаги набирасига.

Набира уялиб ерга қаради, кейин секин «Бувижон, мен ҳам «Гулдаста»га бораман», — деди.

Катталарнинг ҳам, кичикларнинг ҳам баб-баравар тилига тушган «Гулдаста» болалар боғча-гимназияси Фарғона вилояти, Кува туманида жойлашган. Унда 200 нафар кичкинтой тарбияланади. Ушбу маскан 1994 йилда гимназияга айлантирилган. Ўтган йили иккитдорли болалардан 25 нафари танлаб олиниб, I-синфга танлов асосида қа-

бул қилинди. Уларга инглиз, рус тиллари, мусиқа сирларидан сабоқ берилади. Болаларга билим бериш учун тажрибали тарбиячию муаллималар танлаб олинган. Улар ўз машгулот ва дарсларини қизиқарли олиб боришга ҳаммиша ҳаракат қилишади. Боғча-гимназиядаги айтса арзигулик ишлар, ютуқлар, ўзгаришлар, албатта мана шу боғча раҳбари — ишбилармон, ташкилотчи, иши билан сўзи бир Карима опа Нурматованинг фидоийлиги туфайлидир.

— Бу йил тайёрлов гуруҳида «Алифбосиз саводга ўргатиш» дарсини бошлаб, уни яқунладик. Янги ўқув йилида мана шу болаларимизни ўзимиз I-синфга қабул қиламиз, — дейди Каромат опа. — Болаларимизни ҳар томонлама соғлом, бақувват, етук инсон бўлиб етиштиришлари учун тарбиячи ва муаллималаримиз ҳам бор имкониятларини ишга солаёттилар. Боғча-гимназиямизда акробатика, зардўзлик, ўймакорликдан машгулотлар олиб боришади. Болалар бу машгулотларни қизиқиш билан бажаришмаяпти.

Оталик ташкилотлар, ҳомийларнинг ҳам ёрдами каттадир. Кува шаҳар саноат комбинати, уму-

мий овқатланиш корхонаси, ПМК-16 қурилиш раҳбарлари боғчага қандай ёрдам керак бўлса барчасини сидқидилдан бажо келтираяптилар. Боғча-гимназияда бўладиган ҳар бир тадбир бевосита ҳомий ташкилотлар, отоналар иштирокида ўтади. Кува туманининг 70 йиллигига, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига атаб, «Боболаримизга муносиб ворис бўлайлик» мавзусида ўтказилган байрамда ҳам ота-

Боғча —
овунар жойим

лик ташкилотлар, отоналар иштирок этишди. Тадбир сўнггида бу ташкилотлар ҳам ўз совғалари билан болажонларни сийлашди.

Феруза ОДИЛОВА,
Фарғона вилояти, Кува тумани.
Суратда: Боғча-гимназияда ўтказилган «Боболаримизга муносиб ворис бўлайлик» мавзусидаги тадбирдан лавҳа.
Ш. КОРАБОЕВ фотоси.



Ёзги таътил кунлари, оромгоҳ бағридаги қувончли кунларимиз ортда қолди. Оромгоҳда утказган кечаларимиз, танишув учрашувларимиз ҳеч қачон ёлдан чиқмас бўлиб қолди. Дустларим билан хатлар ёзиб туришишга, келгуси йилда яна шу Чорвоқдаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концернига қарашли «Янгиқургон» номли оромгоҳда учрашишга қарор қилдик. Чунки, турт тарафи тоғ оралиғида жойлашган бу оромгоҳ барча дам олувчи уғил-қизлар

**ХАЙР
ОРОМГОҲ,
АССАЛОМ
МАКТАБ!**

учун севимли масканга айланиб қолган. Оромгоҳда маза қилиб ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар етарли. Айниқса, тарбиячиларимиздан Шохид, Муаззам опаларимизнинг ширин суҳанлиги, куп нарасага қизиқувчанлиги ва уз билганларини бизга ургатиши янада завқимизни оширарди. Оромгоҳ етилиши катта байрамга айланиб кетди. Гулхан атрофида барча дуслар қўл ушлашиб, «Дустлик» қушигини қуйладик. Тургиси, Хоразмлик, Андижонлик дусларим билан ажралишни ҳеч истамасдим. Лекин олдимизда жонажон мактабим чорламоқда. Хайр оромгоҳим, бизни албатта қут, келгуси йил яна бағрингга қайтамиз.

Моҳира ЗАФАРХЎЖА қизи.
Тошкент шаҳри.

МЕЗОН ШАМОЛИНИ
ЕМАГАН ОЛМА

«Чакар»лик Муллабой отанинг угли Собиржон аканинг оиласи дабдурустан «Шуро»га кучадиган бўлиб қолди. Ушанда Тоҳиржон туртинчини битирган эди. «Дадам «Шредер» олимларига керак бун қоптилар», - деди кучиш сабабини сураган уртоқларига Тоҳиржон.

Шундай қилиб булар Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик илмий олийгоҳидаги каттақон ҳовлига кучиб келишди.

— Уша вақтлар уқишдан бун пайтларимда дадам билан бозорма-бозор юрардик, — ҳикоя қилади Тоҳиржон ака. — Отам кучатларни авайлаб ушлаганча у ёқ-бу ёғига узоқ термулардилар, эгасидан алланимларни шошилмасдан сурардилар. «Собиржон ака, манови жуда ноёб нав-да, олиб боринг, олимларингиз синаб куришсин», дейишарди баъзан дадамни яхши таниб қолган кучатфурушлар. Бобомдан ва дадамдан навтанлаш, пайванд қилиш, парваришлар, дарахт ҳашаротларига қарши курашни пухта ўрганиб олганман.

Тоҳиржон ака бобоси Муллабой отанинг уч фазилатларини жуда қўп эслайди ва болалари, набираларига ибрат қилиб курсатади. Булардан бири

БИЛИМДОНЛИК

Нима бўлдию отахоннинг тоби қочиб, касалхонага тушиб қолди. Тоҳиржон бозордан у-бу нарса харид қилиб, бобо ҳузурига ошиқди. «Ат-та», деб юборди кекса бобон набираси келтирган катта-катта, «Семеренка» олма-сини қўлига олиб, «Мезон шамолини емай узиб олишибди». Яна бирор фурсат турганида борми, «қанд боғлаб» кетгани пўстининг узиданоқ куришиб турган буларди. Бирок мевани олиб келишдан набиранинг мақсади бутунлай бошқа — уйда олма сероб булса-да, чиройли булгани учун атайлаб олиб келиб, беморни шод қилмоқчи эди...

САВОБПЕШАЛИК

Худди шу кун отахоннинг енидаги қаравотда ётган йигит узига овқат олиб келган касалхона кийимидаги кишидан юзини терс утирди. «Ўғлим, кури-нишидан у одам ҳам хаста экан, нега ундан юзингизни утириб, ранжитдингиз?» безовта-дан суради бобо.

— Отам... — ерга қаради йигит.

Унинг сузда давом этишига суҳбатдоши йўл бермайди:

— Бай, бай, бай, ҳали падари бузукворингиздан, ўзи емай сизга едирган, киймай кийдирган инсондан шунчалик бездингизми? Йук, мен бу ишни шундай қолдирибман, токи сизлар ярашмас экансизлар, мен бу ердан ҳеч қасққа кетмайман, кетолмайман, деб туриб олди.

Орадан бир ҳафталар чамаси вақт утгач, апоқ-чапоқ бўлиб кетган ота-бола бобога миннатдорчилик билдириб, тўн кийдиришди.

КАМТАРЛИК

Шундай қилиб Собиржон ака ва Тоҳиржон, ота-бола, бозорма-бозор юриб йўқолиб борастган навлардан топиб келишарди. Муллабой ота эса

Болаликка содиқ инсонлар

«ОРЗУМИГА ЕТДИМ МЕХР ОТИДИ»

Умрининг кўп қисmini болаларга ижод қилишга сарфлаган барча инсонлар феълда ҳокисорлик, меҳрибонлик, ширинсуханлик фазилатлари устун эканлигини кўрдик. Ўзбекистон телевидениеси «Болалар студияси»нинг ўсмирлар гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси Тоҳир ака Муллабоев 33 йилдирки шу соҳада ишламоқда. «Ота-оналар университети» кўрсатуvidан то «Инсон болаликдан бошланади», «Нурли келажак» видеоканалигача бўлган йигирмадан ортиқ кўрсатувлар муаллифи бўлган Тоҳир акани кўпчилик барча дов-дарахтларнинг «тил»ини тушуновчи боғбон сифатида ҳам яхши билишади. Ўзбекистон телевидениесининг 40 йиллик тўйи муносабати билан биз ўз касбининг билимдони ҳақида бир оз ҳикоя қилиб беришга жазм этдик.

уларнинг гулларида чатиштириб, янги навлар ахтарарди. Ана шундай кунларнинг бирида 4-5 та олма гулини чатиштирилиб, «қизил семеренка» хили яратилди. У йирик, чиройли, қўрт тушмайдиган, касалликларга бардошли эди.

«Уни «Муллабой» деб атай-

да Тоҳир ака 28 ёшда эди. Кейинги хизматдаги ютуқлари эса бири-бирига улашиб кетаверди...

— Менинг болалар тележурналистикасини севишимнинг сабаби қўп, — дейди Тоҳир ака, — Улар доимо топшириқни кўнглидагидек бажаришга астойдил ҳаракат қилишди, манманлик,

— Касбнинг машаққатларидан қўра юқоридаги сингари қўвончлари, масъулияти қўпроқ, — дейди Т. Муллабоев. — Нурота туманидан ўқувчилар ўйи турисида телеочерк тайёрлашимиз керак эди ушанда. У жой Самарқанддан 400 километр узоқликда бўлиб, электр қўвва-



миз», - деди самимийлик билан академик Маҳмуд Мирзасев раҳбарлигидаги олимлар. «Йук, жиддийлик билан қаршилиқ қилди боғбон, — бизга бу турғи келмайди, ана «Коинот»ми, «Титов»ми деб атасанлар ярашадилар, фазогирлар осмонга учиб, қандай қаҳрамонликлар курсатишяпти» деди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ҚАДАМ

Урта мактабни битириб, педагогика институти талабаси бўлган Тоҳиржон «Бир йигитга қирқ хўнар ҳам оз» мақолига қаттиқ амал қила бошлади. У ладасининг Шредердаги 5 гектарлик боғида парвариш билан шугулланар, яқин атрофдаги болаларга сабоқ беришни ҳам қанда қилмас, орада бадиий ижодни ҳам унутмасди. Кўнларнинг бирида телевидениедан унга дастлаб устозлик қилган Шукрулло Шодиев боғ парваришида иштирок этаётган болалар ҳақида курсатув тайёрлашни топшириб қолди.

Тележурналистикага дастлабки қадам муваффақиятли чиқди. Айниқса унинг дадиллиги, ташкилотчилиги, сезни, ақл-идроки барчага маъқул бўлди. Аста-секин устозлари енига Алп Жамол, Мели Норматов ва бошқалар қўшилишди. Ва ниҳоят каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек манзур булган «Яшил чирок» курсатувини тайёрлаган-

иззатталаблик, нотабиийликдан йироқ улар.

КАСБ ҚЎВОНЧЛАРИ ВА
«МАШАҚҚАТ»ЛАРИ

Уша кун муҳаррир роса чарчади. Сурагга олишлар, савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар ниҳоясига етганда, ювиниб, дам олишга утирди. Шу пайт кимдир ортидан келиб, кўзларини беркитди. «Топингчи устоз, мен кимман?», «Тавба, овозидан аниқ таниди, унинг ортида турган Ўзбекистон ёшларининг уша вақтдаги саркотиби Азиз Носиров эди. Лекин ҳозир у киши бу ерда йўқ эди-ку, қасрдан кела қолди?»,

Тоҳир ака саркотиб билан салом — алик қиларкан ҳамон уйлари: «Нега мени устоз деяпти?».

— 1973 йил ёдингизми? — давом этди Азиз Носиров. — Ушанда биз «Ўтқир зехнilar» телемусобақасида иштирок этгандик, мен гуруҳ сардори эдим. Биз ютқазиб роса хафа бўлиб турганимда енингизга чақириб елкамга қўлингизни қўйдингиз. «Сендан келажакда катта одам чиқади, бунинг кўзларингда курашман» дегандингиз. Шунда кўнглим тоғдек кутарилиб, ҳафалигимни ҳам унутганман. Ушандан буён сўзларингиз сира ёдимдан чиқмайди. «Мендан албатта катта одам чиқади» дейман ҳар гал уларни эслаганимда.

ти ҳам йўқ экан. Хужалик раҳбари болаларни севувчи инсон бўлгани учун «Шулар «ойнаи жаҳон»да чиқишсин» деб 20-30 та тракторни қатор қилиб, сурагга олишни уюштириб берди. Тошкентга келиб қўйиб курсак, ишимиз яроқсиз, тасвир сифатсиз чиқибди. Болалар олдида ёлгончи номини олиш ҳеч гап эмас. Шунда дарҳол енимга сурагашни олиб, Нуротага жўнадим. Хуллас, охири-оқибат кичик томошабинларни хурсанд қилганимиз-да.

ДИЛШОД — УМИД
ЮЛДУЗИ

— Шукр, фарзандларининг онаси Рисолатой жаҳон тиллари университетида инглиз тилидан сабоқ беради — дейди фахр билан Тоҳир ака. Тўнгичим — Нилуфар ҳамда иккинчи қизим Лобарой — ўқитувчи, Гулсҳра — болалар ҳамшираси, Назокат 10-синфга, Дилшод 9-синфга ўтди.

Отанинг умид юлдузи, эркатойи, фахри, кенжатоийи — Дилшод. Ақлли, ўқувчи бола чиқди. Хитой тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган Тошкентдаги 59-мактабда ўқийди. Онасидан инглиз тилини ўрганипти. Пойтахт биринчилиги учун ўтказилган «Илҳом чашмалари» курик-танлови совриндори.

Булардан ташқари у шаҳардаги 3-музыка мактабидан рубобдан сабоқ олади. Митрофанов

номли сув спорти саройида сузишни, баландликдан сувга сакрашни ўрганмоқда. Мабо-до уйдаги, қўшнилари радио, лозмол, телевизорими бузилиб қолса, дарров «қуриб» беради. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама етук фарзанди бўлиб етишишга интилайтган Дилшод Муллабоевга ҳам омад тилаймиз.

РЕЖАЛАР, РЕЖАЛАР,
РЕЖАЛАР...

Юртга меҳр, болаларга меҳр, китобга меҳр Тоҳир акага бу дунёда узоқ ва фаровон умр кечирган бобоси Муллабой отадан, падари бузруквори Собиржон акадан, таниш-билишлар: «Ўз даврининг аллома аёли, «отинчаси» деб атагучи онажони Оминахон отадан мерос қолибди. Унинг бахти ҳам шундан булса керак. Айни вақтда Ўзбекистон телевидениесида фаолият курсатаётган Абдуҷаббор Мирзамуҳамедов, Ғайрат Шокиров, Саодат Олимжонова, Саодат Файзиева сингари шоғирдлари ва яна республикамизнинг турли бурчакларида ўзи таниб-танимаган қанчадан-қанча шоғирдлари бор экан. Улар орасида давлат ва фан арбоблари, спортчилар, санъаткорлар ҳам бор. Унинг бахти улар.

Республикамизнинг муборак 5 йиллик тўйи тобора яқинлашиб келаятган ушбу кунларда болалар тележурналистининг режалари жуда қўп. «Инсон-болаликдан бошланади» туркум курсатувларида Президентимизнинг болаларга ғамхўрликлари, қўп болали оилаларга берилаётган имтиёзлар ҳақида, «Нурли келажак»да юртбошимиз назарига тушган, унинг етишкендасини олган болалар ҳақида телеочерклар, «Юлдузлар ёнидаги юлдузчалар» курсатувида таниқли санъаткорнинг фарзандлари ҳақида, «Мустақиллигимиз болаларга нима берди? деб номланган туркум курсатувлар, болалар ёзувчилари анталогиясини яратиш, «Ўзбекистонда биринчилар» ва бошқа мавзуларда ижод қилиш ниятида.

Хуллас, орзулар, режалар ҳар сонияда туғилаверар экан. Гап фақат уни муваффақият билан амалга оширишда.

Хурматли Тоҳир ака, биз билан суҳбатда сиз «Ўзоқ йил болалар учун ишласак ишлаб-миз-да, қаттиқчилик курмадик, машаққатчекмадик, ҳамма хурмат қилди, турдан жой берди», — дея камтарлик қилдингиз. Майли, камтарга камол, дейдилар. Лекин сиз утгиз уч йилдан буён кичиклар, катталар қалбига яхшилик, эзгулик уруғини сочдингиз, маърифатга етаклагингиз, болаларга кўча ҳаракати қондаларига риоя қилиб, ўзларининг ҳам бошқаларнинг ҳам ҳаётини хавф остида қўймасликни ўргатдингиз, жисмонан чиниқтиришга, соғлиғи қадрига етишга чақирдингиз. Эҳе, сиз ва сизга ўхшаш инсонларнинг меҳнатларию жамиятта келтирган фойдаларини санаб саногига етиш, адо қилиш осонми? Қисқаси, омон бўлинг, ижодингизга барака!

Турсуной СОЛИЕВА.

Суратда: Т. Муллабоев
оила аъзолари
даврасида.

(Боши утган сонларда)

Альбом. Мана бу — Динора. Икки йил бурун трамвайда танишиб қолган эдим. У университетнинг чет тиллар бўлимида иккинчи курсда экан.

Биз телефонда соатлаб гаплашардик. Гоҳо пул йиғиб, уни бирон-бир арзон таомли кафегами, ресторангами таклиф қилардим. Гоҳо биз бирон-бир истироҳат боғига бориб, салқин бир хиебондаги скамейкада утириб, узоқ суҳбатлашардик.

Табиий, мавзумиз — Ғарб адабиёти ҳақида, унда таърифланган қахрамонлару улар интилган ғоялар ҳақида булардики, мақтаниш эмас бу борада менинг билимим униқидан асло кам эмас эди.

Баъзан гап тугаганда жимгина утирардик. Чунки бу жимлигу ёнма-ён утиришимизнинг узи ҳар қанақа қизиқ суҳбатнинг урнини босар эди.

Гоҳида шунчалик узоқ утириб қолардики, соат тунги ундан ошганини сезмасдик. Миршаблар келиб бунга эслатгач, урнимиздан туриб, боғдан чиқардик.

Метрога тушардик. Динора бошини менинг елкамга қуяр, шу алфозда сўнгги бекатгача борардик. Уни кузатишим билан уйга шошилиб етиб келардим-да, дарҳол кўнғироқ қилиб, «хайрли тун» тилардим унга.

Баъзан у билан учрашишга келишгач, мен кечасиёқ беш қаватли уйларда яшовчи қўшнилариимнинг боғчасига тиканли симлар оша тушардим. Ва наставин гулларида узиб чиқардим: унга... Ҳаёт жуда гузал куринар эди!

Бир-икки кун кўнғироқ қилмасам, у йиғлар эди. Кўнғироқ қилганимда эса у тезроқ дастакни кутармаса, ҳаяжондан бугилиб кетар эдим...

О, инсоний ожизликлар — даҳшат экан: бир куни танишлар билан бир утиришда олтинсоч бир қизча мендан нари кетмай қолди. Рақс тушдик, мен гитара чалдим. Кейин уни кузатиб қўйдим-у, тагин бир неча бор учрашишга тўғри келди. Бу орада мен отам билан у кишининг туғилган юртига бориб, икки ҳафта бўлиб келдим: у киши санъатшунос сифатида ха-

Мен Диноранинг кучасини билардим-у, уйини билмасдим. Учратиб қоламанми, деб куп санғиб юрдим...

Кейин нима дейсизки, ундан узоқлаша бошладим. Аммо учратиб қолишдан умидвор эдим учрамади...

Кўнғироқ ҳам қилмади. Уйлайманки, уша — Динорагина мени чиндан ҳам севган ёлғизгина қиздир!

дамдан куп пул сурашган экан ёки биронта ҳомий ҳўжалик ҳисобидан ўқишга киришим мумкин экан. Дадам ҳомийни ҳам тополмади, пулни эса...

Шундай қилиб, мен бештўрт сум ишлаб олмақчи бўлдим-му, танишларимдан қарз қутариб, икки чамадон ҳар хил

Жаҳонгир



лқ-фольклор ансамбли дастурини куриши ва қандайдир куриққа тайёрлаши лозим эди.

Тошкентта қайтиб келишим билан бир қўшни йиғит мендан сўюнчи олди: олтинсоч ёш бўлишга қарамай (Динорадан анча ёш эди), ҳалигидай видео курсатадиган жойларга жуда серқатнов экан. Бунинг устига, ушандоқ жойлардан чиққач дугоналари уни қандайдир хорижий тамғали мошиналарга утказиб кетар экан.

Мен беихтиёр Динора олдида узимни айбдор сезиб, уни телефон рақамини излашга тушдим. Йўқ, тополмадим. Тентираб университетга бордим, суриштирсам, «бетоб» дейишди. Касалхонага борсам, кеча уни аллақандай табибга курсатип учун ота-онаси олиб кетишганини айтишди: касалхонада шифобахш дорилар танқис экан...

Баъзан унинг суратига қарайман ва ажиб хотиралар мени кўмига тортиб кетади.

Шу ёшга кирибманки, ожизлигим туфайли қилган энг катта хатоим шудир.

Яна альбомни варақлайман. Мана бу одам — тоғам. У Тожикистонда яшайди. Уша ерда — Душанбеда институтни битиргач, битта тожик қизини севиб, у ерда қолган. Кейин шаҳар четида уй қурган, томорқаси бор.

Бундан икки йил бурун Тошкентга келган эди. Бозорга кириб, дуконларда бўлиб, ҳайрон қолувди: «Мунча арзончилик? Бизда шу матоҳ уч карра қиммат!» дер эди.

Ушанда енимда пулим йўқ, ишга ҳам жойлашолмай юрган чоғларим эди...

Айтмоқчи, мен университетга ўқишга киролмагандим: да-

мева-чева харид қилиб, аммо бу нарсани ота-онамга сираям билдирмай, тоғамга қўшилиб кетдим.

Ушанда Тожикистонда уруш бўлаётган эди: табиийки, онам менинг у ёққа боришимни хўшламади, негадир акамнинг Афғонистонда бўлганини эслади...

Хуллас, тоғамнинг уйига бориб тушдик. Шундоқ яқин жойдаги бозорга бориб, чамадонларни очишим билан харидорлар уч карра қимматига «талаб» кетишди бисотимни. Мен ҳарқалай, хўнук иш қилдим, қўйналган халқнинг қўйинчилигидан фойдаландим, ахир. Бирок, улар мени олқишлаб қолишдики, шу нарса тасалли бўлди менга. Қолаверса, ҳам қарздан қўтилидан бўлдим, ҳамда йўл харажатлари текинга тушадиган бўлди.

Қизиқ экан-да бу ҳаёт!

Мана бу суратдаги киши

ҳам — тоғам. Аброр тоғам. Унинг биринчи бор уйимизга келгани сира-сира эсимдан чиқмайди. Маълум бўлдики, дадам Қашқадарёдан, унинг тоғли туманидан. Илгари серқатнов эдилар.

Мошинамиз сотилиб, топар-тутарларининг ҳам рузгорга аранг етиб тургани боис қишлоқдан узилган эдилар ҳисоб... Қисқаси, кўнларнинг бирида айтдиларки, утай тоғам, яъни холамнинг утай синглисининг угли келармиш.

У уттиз беш йилдан бери тоғда яшаб, ҳали Тошкентни қурмаган эмиш. Демак, куп қаватли иморатларни ҳам, метрони ҳам қурмаган — шулар қатори циркни ҳам томоша қилмоқчи эмиш...

Отамнинг таърифига суянибоқ у кишига — «Урмон одами» деб лақаб қўйдим.

Кейин эса, калламга бошқа бир ном келди: «Абориген». Шу маъқул тушди менга...

Шу нарсани таъкидлаб айтишим керакки, мен мактабда «Икки, уч» баҳо олиб ўқиганим — адабиётни ҳамон ушандаги меҳр билан севардим, умуман айтганда, мен учинчи синфдан бошлаб кичик-кичик ҳикоялар ёза бошладимки, дадам ҳам, ойим ҳам бу машғулотиمنى маъқуллашар, шунинг учун хонамдаги юзлаб китобларни бемалол харид қилиб беришган эдилар.

Қўлтим келади: университетнинг филология факультетига ҳужжат топширмоқчи бўлганимда, аттестатимдаги «Адабиёт» фани рўнарсига ёзиб қўйилган «3» баҳосини қўрган қабул қилувчи жувон ҳужжатиمنى стол четига суриб қўйган эди.

Майли адабиётга, ёзиш-чи-зишга бўлган меҳрим ҳам — қандайдир даражада ҳаслий орзуларимга ўхшар эдики, бу ис-тагимни фақат Динора қувватлар эди...

(Давоми бор)



Қадим замонда бир подшо утган экан. Кўнлардан бир кун подшо ўз элига иккита савол берибди:

— Шириндан ширин нима? Аччиқдан аччиқ нима? Подшо бу саволни ечиш учун одамларга қирқ кун муҳлат берибди: «Агарда ҳеч ким саволни еча олмаса, юртга қирғин соламан», — дебди. Бу саволга ҳеч ким тўғри жавоб топа олмабди. Подшо зулмидан қўрққан халқ бошқа томонларга қараб қочиб кета бошлабди.

Шу мамлакатда бир камбағал чол қизи билан кун кечирар экан. Кучадаги шов-

қинларни эшитиб, қиз ташқарига чиқиб караса, одамлар тўп-тўп бўлиб қочиб кетяпти. Қиз улардан нима сабабдан қочиб кетаётганликларини сурабди. Шунда қочаётганлардан бири шундай дебди: «Подшо бутун халққа савол берган. Саволини ечиш учун қирқ кун муҳлат қўйган. Агарда ҳеч ким еча олмаса, юртга қирғин солади».

Шунда қиз отасини чақириб, унга: «Отажон, сиз подшонинг олдида бориб саволини ечинг ва юртни зулмдан қутқаринг!» дебди. Биринчи саволга:

— Шириндан ширин — бола ширин. Иккинчи саволга:

— Аччиқдан аччиқ — улим аччиқ, денг, — дебди.

Чол подшонинг олдида бориб, саволига жавоб берибди. Подшо чолдан ким айтганини сурабди. Чол ўз қизининг айтганини маълум қилибди. Чол

ДОНО ҚИЗ

қизининг донолигига подшо ҳайрон бўлибди. Қизнинг донолигини яна синаш учун подшо одамларига: «Бориб айт, ушал қиз ҳукизни болалатиб берсин», — дебди. Бир қанча кундан кейин подшо одамлари қизнинг олдида келиб: «Хукизни болалатдингми?» деб сурабдилар. Шунда қиз: «Дадам ҳаммомга туққани кетган, келса жавобини айтаман» — дебди. Келган одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулишиб: «Ҳеч вақт эркак киши ҳам тугадими?» деганда қиз: «Хукиз болалаганда нима учун эркак киши тугмасин?» деб одамларни мот қилибди.

Бу гапни одамлар подшога айтиб берибдилар. Подшо қизнинг ақллигига қўйил қолибди ва қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша бериб шу қизга

уйланибди. Кўнларнинг бирида подшо овга кетибди. Дарвозанинг олдида одамларнинг жанжаллашган товуши қизнинг қўлоғига эшитилибди. Қиз секин қараса иккита қўйчовон можа-ро қилиб турган экан. Шунда қиз улардан жанжалнинг сабабини сурабди. Ҳар иккисининг ҳам бугўз қўйи бор экан. Кеч-қурун биттасининг қўйи туғиб, иккинчи қўйнинг тагига етиб олибди. Қиз икковининг можаросини тўхтатиб турганда, подшо келиб қолибди. Хотинининг кучага чиқиб турганини қуриб, подшо ғазабланибди ва саройдан хоҳлаган нарсасини олиб отасининг олдида жуна-пиши айтибди. Шунда қиз кетмасдан туриб, подшо билан охириги марта утириш қилиб, зиефат беришни сурабди. Подшо рози бўлибди.

Қиз хилма-хил нозу неъматларни подшонинг олдида қўйиб роса ичирибди. Шунда подшо маст бўлиб етиб қолибди. Қиз соябон аравага подшони ётқизиб, аравакашга бозорларни айлантириб юришни айтибди. Бир вақт подшо қузини очиб қараса, хотини билан аравада бозорларни айланиб юрганмиш. Шунда подшо хотинидан:

— Нима учун мени бунда қилиб олиб юрибсан? — деб суради, қиз шундай дебди:

— Эй подшоҳим, узингиз ўйдан хоҳлаган нарсангни олиб, отангникига кет, дедингиз. Уй ичида хоҳлаганим сиз эдингиз, энди уйга олиб кетяшман, — дебди.

Подшо қизнинг донолигига, ақллигига қўйил қолиб, у билан яна турмуш кечираверган экан.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютерига терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0317.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзил: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
33-44-25

